

Педагогика таълим соҳаси талабаларининг малакавий педагогик амалиётини
ташқил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда оширилаётган кенг қамровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарорларига мувофиқ олий таълим муассасалари (кейинги ўринларла – ОТМ) бакалавриат таълим йўналишлари малакавий педагогик амалиёт (кейинги ўринларда – Амалиёт) ини ўташ тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

малакавий педагогик амалиёт-таълим турлари учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ишининг ажралмас қисми бўлиб, талабаларнинг касбий кўникма ва малакаларини ривожлантирувчи педагогик жараён. Амалиётчи-талабалар малакавий педагогик амалиёт даврида ўқув-тарбия жараёнининг барча томонларини таҳлил қилади ва бу амалиёт мактабгача таълим, давлат ва нодавлат умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, **касб-хунара коллежлари, олий таълим муассасалари ва бошқа таълим муассасаларида** амалга оширилади. Педагогик амалиёт даврида амалиётчи-талаба амалиёт ўтаётган таълим муассасаси шарт-шароит ва ички тартиб қоидаларига мослашиш, педагогик жамоа билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади ва ОТМни тамомлагандан кейин иш билан таъминланиши назарда тутилади;

қабул қилувчи ташкилот–амалиётчи-талабалар малакавий педагогик амалиётни ўташи учун ОТМ билан белгиланган тартибда уч томонлама шартнома тузган, малакавий педагогик амалиёт режа-жадвали ва дастурларини тўла ҳажмда бажаришни таъминлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган таълим муассасаси;

қабул қилувчи ташкилотдан малакавий педагогик амалиёт раҳбари –амалиётчи-талабаларга малакавий педагогик амалиёт давомида уларни муассаса ички тартиб қоидалари билан таништирувчи, касбий амалий кўникма ва малакаларни ривожлантирувчи, амалиёт даврида талабанинг касбий лаёқатини баҳолаш масъулияти юкланган қабул қилувчи ташкилот (ташкилот раҳбари томонидан тайинланган ходим) раҳбари.

амалиётчи талаба бакалавриат таълим йўналишларининг педагогик амалиёт ўташи учун буйруқ расмийлаштирилган талаба.

Малакавий педагогик амалиётлар таълим йўналиши хусусиятидан келиб чиқиб, асосан юқори курсларда ташқил этилади.

2. Малакавий педагогик амалиёт мазмуни унинг режа-жадвали ва дастурлари билан белгиланади.

3. ОТМлари талабалари иш жойларига дастлабки тақсимлашни битирувчи курс охирида эмас, балки мос равишда иккинчи ва учинчи курсларда таҳсил олаётган даврда ўтказиш ва барча турдаги амалиётларни ишга йўлланма оладиган корхона, ташкилот ёки муассасада ўташни йўлга қўйиш тавсия этилади.

4. Олий таълим муассасалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бошқармалари ҳамкорлигида малакавий педагогик амалиёт самарадорлиги ва сифатини ошириш учун 2-курсдан бошлаб таълим йўналишлари мутахассислик фанларидан амалий машғулотларни ўқув дастурларига мувофиқ узлуксиз таълим муассасаларида ташкил этиш йўлга қўйилади.

5. ОТМси билан талабалар малакавий педагогик амалиётини ўтказиш бўйича тегишли қабул қилувчи ташкилот ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномада битирувчини иш билан таъминланиши тўғрисида бандлар киритилади.

6. Таълим йўналишларининг ўқув режасида малакавий педагогик амалиётни ўташ даври қабул қилувчи ташкилотнинг фаолият юритаётган даврига, хусусан малакавий педагогик амалиёт таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни олиб борилаётган даврга мос ҳолда қўйилиши лозим.

7. Малакавий педагогик амалиётга сабабсиз қатнашмаган, қоникарсиз баҳо олган талабалар академик қарздор ҳисобланади. Академик қарздор талабаларга, шунингдек, малакавий педагогик амалиётини узрли сабабларга кўра ўтай олмаган талабаларга ОТМ ректорининг буйруғига мувофиқ бошқа муддатда малакавий педагогик амалиётини ўташ белгиланади.

Қўшимча муддатларда ҳам академик қарздорликни бартараф этмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра ОТМ ректорининг буйруғи билан курсда қолдирилади.

Малакавий педагогик амалиётни ўташ даврида талабанинг узрли сабабларга (касал бўлиб қолиши, фарзандли бўлиши ва бола парвариши, оиласи билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар) кўра қатнашиш имконияти бўлмаган ҳолатларда, ўрнатилган тартиб бўйича академик таътил берилиши мумкин.

~~7. Амалиётчи талаба малакавий педагогик амалиётини ўташи мажбурий ҳисобланади, малакавий педагогик амалиётини узрли сабабларга кўра ўтай олмаган талабалар ОТМ ректорининг буйруғига мувофиқ белгиланган бошқа муддатда малакавий педагогик амалиётини ўташи шарт.~~

2-боб. Малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш

8. Малакавий педагогик амалиёт ОТМнинг қабул қилувчи ташкилотлар билан белгиланган тартибда тузилган уч томонлама шартномалари асосида ташкил қилинади.

ОТМ, амалиётчи-талаба ва қабул қилувчи ташкилот педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шартномада:

- ✓ шартнома предмети;
- ✓ тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- ✓ амалиётчи-талабани қабул қилувчи ташкилотнинг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш тартибини;
- ✓ шартноманинг амал қилиш муддатини;
- ✓ шартномани бекор қилиш асосларини;
- ✓ шунингдек тарафларнинг жавобгарлигини келишиб олади.

9. Малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш масъул ОТМ ректори ва уни ўтказиш учун жавобгарлик қабул қилувчи ташкилот (муассаса раҳбари) зиммасига юклатилади.

10. Амалиётчи-талабанинг малакавий педагогик амалиёти режа-жадвали ва дастурларини тўлиқ бажарилишига қабул қилувчи ташкилот (муассаса раҳбари) раҳбари жавобгар ҳисобланади.

11. Амалиётчи-талабалар ва малакавий педагогик амалиёт учун масъул ходимларнинг фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат малакавий педагогик амалиёт дастури ҳисобланади.

Амалиётчи-талабалар малакавий педагогик амалиёт дастури бўйича “Амалиётчи портфолиоси”ни мунтазам юритиб бориши лозим.

Малакавий педагогик амалиёт дастури таълим йўналишининг малака талабларига ва ишчи ўқув режадаги фанлар мазмунига мос келиши, таълим йўналишларининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек фан ва ишлаб чиқаришнинг сўнгги ютуқларини инобатга олиши керак.

Амалиёт дастури қуйидаги асосий бўлимлардан таркиб топади:

Малакавий педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари, амалиёт мазмуни, режа-жадвали, амалиётчи-талаба фаолиятини баҳолаш мезони, амалиёт бўйича ҳисоботга талаблар.

Бундан ташқари, малакавий педагогик амалиёт дастурига амалиётни ўташга доир услубий кўрсатмалар (тавсиялар), фойдаланиладиган асосий ва кўшимча адабиётлар, ўқиш даврида олинган билимларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилувчи тегишли материаллар ва ҳужжатлар ҳақидаги бўлимлар ҳам киритилиши мумкин.

12. Малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш олдидан ОТМ ректорининг амалиётни муддати, ўташ жойи, ташкил этиш ва уни ўтказишни назорат қилиш юклатилган масъул шахслар кўрсатилган буйруғи расмийлаштирилади.

13. ОТМнинг малакавий амалиёт ва ҳамкорлик бўлими малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш, ўқув-услубий таъминлаш ҳамда ўташни мувофиқлаштириш ишларини мутахассис чиқарувчи кафедра мудири, факультет декани ҳамда қабул қилувчи ташкилот раҳбари билан биргаликда амалга оширади.

14. ОТМ томонидан амалиётчи талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича доимий яшаш худудидаги таълим муассасаларида шартнома асосида педагогик фаолиятини давом эттираётган битирувчиларга мутахассис чиқарувчи кафедралар томонидан услубий ёрдам кўрсатиш мониторинги жорий этилади.

15. Амалиётчи-талаба, ОТМ ва қабул қилувчи ташкилот ўртасидаги уч томонлама шартномалар асосида амалиётчи-талаба педагогик амалиётини хорижий давлатлар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ўташи мумкин. Бунда, ОТМ амалиёт бўйича тузиладиган шартнома бандларини юқори турувчи вазирлик, идора билан белгиланган тартибда келишади.

3-боб. Малакавий педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш

16. ОТМ нинг педагогик амалиётини мувофиқлаштириш юзасидан вазибалари:

Факультет деканати битирувчи талабани ОТМни тугатган кейин иш билан таъминлаш бўйича уч томонлама шартнома имзолаган қабул қилувчи муассасада малакавий педагогик амалиётни ташкил қилиш ҳамда амалиёт бошланишидан икки ой олдин педагогик амалиёт режа-жадвали ва дастурини тасдиқлаш учун ОТМ Услубий кенгашига тақдим этиш;

~~талабани ОТМни тугатгандан кейин иш билан бандлигини таъминлашга маъсул бўлган қабул қилувчи ташкилот, амалиётчи талаба билан уч томонлама шартномалар тузиш ва малакавий педагогик амалиёт бошланишидан икки ой олдин талабалар педагогик амалиёти режа-жадвали ва дастурини тасдиқлаш учун ОТМ Кенгашига тақдим этиш;~~

хар бир таълим йўналишлари бўйича малакавий педагогик амалиёт буйруқлари лойиҳаларини шакллантириш;

малакавий педагогик амалиётни ўтказувчи қабул қилувчи ташкилотларни амалиётчи-талабанинг (лар) педагогик амалиётини ўташ тўғрисида буйруқ билан хабардор қилиш;

амалиётчи-талабага педагогик амалиёт хужжатлари мажмуасини нашр қилиш ишларини ташкил этиш ва таъминлаш;

заруриятга мувофиқ қабул қилувчи ташкилотга педагогик амалиёт бошланишидан олдин бориб, у ердаги шароитлар билан танишиш;

қабул қилувчи ташкилотларда педагогик амалиёт режа-жадвали ва дастури бажарилишини, амалиётчи-талабанинг баҳоланишини назорат қилиш;

амалиётчи-талабанинг педагогик амалиётда иштирок этганлиги амалиёт ўташ бўйича ОТМ буйруғи, талабанинг педагогик амалиёти кундалиги ва портфолиоси, ҳисоботи ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади;

ОТМ Кенгашига малакавий педагогик амалиётлар ўтказилганлиги ҳақида бир ўқув йилида бир марта ҳисобот бериш.

17. Амалиёт ўташга талабани қабул қилувчи муассаса: малакавий педагогик амалиётни юқори савияда ўташ учун шароит яратиш;

амалиётчи талабага етарли тажрибага эга фан ўқитувчиси ҳамда психологини устоз-шогирд тизимида бириктириш бўйича муассасанинг буйруғини расмийлаштиради;

амалиётчи-талабанинг Амалиёт ўташ жойига етиб келиши ва ОТМга қайтишини назорат қилиш;

таълим йўналишига масъул факультет декани билан талабанинг Амалиётни ўташи ҳолати бўйича мунтазам равишда алоқада бўлиш;

Амалиёт муддатларига риоя қилинишини, шунингдек педагогик амалиёт режа-жадвали ва дастури бажарилишини ҳамда педагогик амалиёт кундалиги ҳар кунлик тўлдирилишини назоратини олиб бориш, услубий ёрдам кўрсатиш ишларини, зарур ҳолларда, ОТМ вакилларини талабанинг педагогик амалиёт ўташ жойларига таклиф қилиш;

амалиётчи-талабанинг педагогик амалиёти ҳисоботини ёзиши бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар бериш;

амалиётчи-талаба(лар)нинг малакавий педагогик амалиёт якунида касбий лаёқати объектив баҳоланишини ва педагогик амалиёт бўйича ҳисобот ҳимоясини ташкил қилиш;

амалиёт якунлангандан сўнг **бир ҳафта муддатда** амалиёт ҳисоботлари, баҳолаш қайдномаларини, таълим йўналишлари малака талаблари ҳамда мазмунини такомиллаштириш бўйича таклифларни олий таълим муассасаси раҳбариятига тақдим этиш;

амалиётчи-талаба малакавий педагогик амалиётни ўташ даврида амалиёт ўташ жойида бахтсиз ҳодисага учраган ҳолатлар бўйича жавобгарлик масалаларини қонун ҳужжатлари асосида кўриб чиқади;

18. Қабул қилувчи ташкилот раҳбари амалиётчи-талаба таълим олаётган йўналиши бўйича бўш иш жойлари мавжуд бўлган тақдирда, уни вақтинчалик иш хақи тўланадиган лавозимга тайинлаши ҳамда амалиётчи-талаба ўқишни битиргандан сўнг тўлиқ иш билан таъминлаши мумкин.

19. Қабул қилувчи ташкилотдан малакавий педагогик амалиёт раҳбари амалиётчи-талабага педагогик амалиёт дастури билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш топшириғини бериши тақиқланади.

4-боб. Амалиётчи-талабанинг малакавий педагогик амалиётни ўташ бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. Амалиётчи-талаба ҳуқуқлари:

Малакавий педагогик амалиётни ўташ жойи, режа-жадвали, дастури ва тартиби билан олдиндан танишиши;

Малакавий педагогик амалиётни ўтказиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши;

Малакавий педагогик амалиётни ўташ юзасидан зарур маълумотлар, йўриқномалар олиши;

Малакавий педагогик амалиёт бўйича услубий материаллар билан танишиш ҳамда педагогик амалиёти раҳбарларидан йўл-йўриқлар олиш ҳуқуқларига эга.

Амалиётчи-талаба мажбуриятлари:

Малакавий педагогик амалиёт режа-жадвали ва дастурида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариш;

Амалиёт даврида “Амалиётчи портфолиоси”ни ўрнатилган тартибда юритиши ва тегишли маълумотлар киритиб бориши;

ОТМ ва қабул қилувчи ташкилот раҳбарининг (масъул қилиб тайинланган амалиёт раҳбарларининг) дастурда кўзда тутилган ишларга оид барча топшириқларини бажариши;

ҳисоботга тегишли ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш;

қабул қилувчи ташкилот ходимлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар ва ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилиш мажбуриятлари юклатилади.

21. Амалиётчи-талаба малакавий педагогик амалиётни ўтагандан сўнг қабул қилувчи ташкилот раҳбари иштирокида малакавий педагогик амалиёти бўйича ҳисоботини белгиланган муддатда ҳимоя қилади ва ўрнатилган тартибда баҳоланади.

5-боб. Малакавий педагогик амалиётни ўташ босқичлари

22. Малакавий педагогик амалиёт уч босқичда ташкил этилади:

тайёрлов босқичи - асосий босқич - якуний босқич.

- *тайёрлов босқичи*да малакавий педагогик амалиётни ўташга кетишдан олдин ОТМда факультет декани, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар ва амалиётчи-талабалар иштирокида йиғилиш ўтказилади. Йиғилишда амалиётчи-талабалар педагогик амалиёт режа-жадвали ва дастури билан танишади, унинг мақсади, вазифалари ва мазмунига тааллуқли кўрсатмалар ҳамда меъёрий ҳужжатларни олади, амалиётчи-талаба томонидан бажариладиган ишлар ва уларни педагогик амалиёти кундалигида қайд этиб бориш тартиблари билан таништирилади. Малакавий педагогик амалиётни ўташ бўйича амалий машғулотларда қатнашади.

Амалиётчи-талабалар қабул қилувчи ташкилотга етиб боргандан сўнг малакавий педагогик амалиётни ўташнинг дастлабки кунларида қабул қилувчи ташкилотнинг тузилиши, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар.

- *асосий босқичи*да амалиётчи-талаба амалиёт режа-жадвали ва дастурида кўрсатиб ўтилган ишларни бевосита қабул қилувчи ташкилотда бажаради.

- *якуний босқичи*да талабалар томонидан педагогик амалиёт дастури бўйича ҳисобот тайёрланиб белгиланган муддатда ҳимояси ўтказилади, амалиётни ўташ жараёнида бажарилган ишларнинг натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади.

6-боб. Малакавий педагогик амалиётни яқунлаш

23. Малакавий педагогик амалиёт якунида амалиётчи-талаба ёзма равишда педагогик амалиёт дастури бўйича тайёрлаган ҳисоботни ҳамда уни қабул қилувчи ташкилот раҳбари томонидан имзоланган кундалиги, ҳисоботи билан бирга амалиётдаги фаолияти бўйича олган баҳоси расмийлаштирилган кайдномани асл нусхасини ОТМ деканига белгиланган муддатда топширади.

24. Амалиётчи-талабанинг малакавий педагогик амалиётини баҳолаш жараёни уни қабул қилувчи ташкилот раҳбари томонидан ўтказилади ва факультет декани, тегишли кафедра мудирини, малакавий амалиёт ва ҳамкорлик бўлими вакили иштирокида “Амалиётчи портфолиоси” билан мувофиқлаштирилади.

25. Малакавий педагогик амалиёт натижаси бўйича баҳо талабанинг курсдан курсга ўтиши ва стипендия белгиланган ҳисобга олинади.

26. Малакавий педагогик амалиёт ўқув дастурида белгиланган тартибда баҳоланади.

Амалиёт даврида амалиётчи талабанинг амалиёт дастурида белгиланган вазифаларни бажариши “Амалиётчи портфолиоси”да жорий баҳо (балл) сифатида белгилаб борилади ва ушбу баҳолар ҳисобот ҳимояси бўйича баҳоланишида инобатга олинади.

~~27. Таълим йўналишининг ўқув режаси бўйича охириги семестрда ўталиши белгиланган малакавий педагогик амалиёт якунлари бўйича кўниқарсиз баҳо олган ёки узрли сабабларсиз амалиётга қатнашмаган талаба академик қарздор сифатида олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан қолдирилади.~~

~~28. Малакавий педагогик амалиётни ўташ даврида талабанинг узрли сабабларга (касал бўлиб қолиши, фарзандли бўлиши ва бола парвариши, оиласи билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар) кўра қатнашини имконияти бўлмаган ҳолатларда, ўрнатилган тартиб бўйича академик таътил берилиши мумкин.~~

29. Малакавий педагогик амалиёт якуни ОТМ тегишли факультет кенгашида муҳокама қилинади ва зарур ҳолларда қабул қилувчи ташкилотларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин.

7-боб. Моддий таъминот

30. Малакавий педагогик амалиётни ўташ даврида амалиётчи-талабага иш ҳақи тўланиши белгиланганлигидан қатъий назар, унинг стипендия олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

31. ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларидан келиб чиқиб, амалиётчи-талабалар педагогик амалиётни ўташлари учун йўриқнома ва кўрсатмаларни таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низом асосида ишлаб чиқадиладар ва тасдиқлайдилар.

8-боб. Якуний қоида

32. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.